

Спирт қўшиб тайёрланадиган атирлар, дезодарантлар, ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳукми

20:08 / 27.04.2016 4360

САВОЛ: Ассалому алайкум ҳурматли Шайх ҳазратлари! Қилаётган хайрли ишларингизга Аллоҳ улкан ажрлар адо этсин. Сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Суннатга мувофиқ хушбўйланиб юраман, деган одам қандай воситалардан фойдаланиши керак? Спирт қўшиб тайёрланадиган атирлар, дезодарантлар, ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳукми қандай? Уларни ишлатса ва сотса жоизми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Ҳурмат билан мухлисингиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Иложи борича хушбўй нарсаларни ишлатиш пайдан бўлиш лозим. Уламолар, жумладан, замондош уламолар хушбўй нарсаларни тутиб туриш учун қўшилган спирти бор бўлса, ишлатиш жоиз, дейишган. Эътиборингизга Қувайтдаги «Тиббий илмлар исломий муассасаси» ўтказган илмий анжуман қабул қилган қарордан иқтибос келтирамиз: «Тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди яхши бўладиган атирлар учун ишлатса бўлади. Чунки бу ердаги баъзи бир атирға қўшиладиган моддалар фақат ана ўша спирт билангина эриши мумкин.

Шунингдек, баъзи бир кремларга ҳам мана шу нарса ишлатилади. Бу ҳалиги ичиладиган, маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган хамр-ароқ ҳукмига кирмайди. Аммо алкоголь нарса маст қилувчи модда бўлгани учун уни ичмоқ, тановул қилмоқ мутлақо ҳаромдир».

Ишлатиш жоиз бўлган нарсани сотиш ҳам жоиз бўлади. Бу маънода фатволар жуда кўп. Валлоҳу аълам.